

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ
ФАРҒОНА ФИЛИАЛИ



ТАЛАБАЛАР БИЛИМИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ
ВА БАХОЛАШНИНГ РЕЙТИНГ ТИЗИМИ
ТУҒРИСИДАГИ

НИЗОМ

Мазкур низом Ўқув ва тарбиявий ишлар бўйича директор уринбосари М.Ботиров, Ўқув услубий бўлим бошлиғи Ш.Соғиболдиев, факультет декани Т.Хамракулов, Ички назорат гуруҳи бошлиғи Д.Ганиевлар томонидан кўриб чиқилди ва маъқулланди.

Ўқув – услубий кенгашнинг 2018 йил 26 декабрдаги 4-сонли йиғилишида кўриб чиқилиб, муҳокама қилинган ва тасдиқланган.

Мазкур низом филиал Кенгашининг 2018 йил 28 декабрдаги 5-сонли йиғилишида тасдиқланган.

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ФАРҒОНА ФИЛИАЛИДА ТАЛАБАЛАР БИЛИМИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ ВА БАҲОЛАШНИНГ РЕЙТИНГ ТИЗИМИ ТЎҒРИСИДА НИЗОМ

Ушбу Низом 2017 йил 5 майдаги ПҚ-2956-сонли “Ўзбекистон Республикасида тиббий таълим тизимини янада ислох қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори, 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909 сонли “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори, Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг 2017 йил 5 май №337 буйруғи, Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг 2017 йил 6 майдаги №294 буйруғи, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2017 йил 10 май №217 буйруғи, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2017 йил 22 августдаги №474 буйруғлари асосида ишлаб чиқарилди. Олий таълим муассасаларида талабалар билимини назорат қилиш ва баҳолашнинг рейтинг тизими тўғрисида НИЗОМ, Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида” ги (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 й., 9-сон, 225-модда) ва “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида” ги (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 й., 11-12 - модда, 295 - модда) қонунларига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 16 августдаги 343-сон “Олий таълимнинг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида” қарорига (Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2001 й., 15-16-сон, 104-модда) мувофиқ олий таълим муассасаларида талабалар билимини назорат қилиш ва баҳолашнинг рейтинг тизимини тартибга солади. Шу Низом бўйича кафедраларда талабалар билимини баҳолашда меъёрий ҳужжат сифатида фойдаланилади.

1. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1. Талабалар билимини назорат қилиш ва рейтинг тизими орқали баҳолашдан мақсад таълим сифатини бошқариш орқали, рақобатбардош кадрлар тайёрлашга эришиш, талабалар томонидан фанларни ўзлаштиришда бўшлиқлар ҳосил бўлишини олдини олиш, уларни аниқлаш ва бартараф этишдан иборат.

2. Рейтинг тизимининг асосий вазифалари қўйидагилардан иборат:

а) талабаларда Давлат таълим стандартларига мувофиқ тегишли билим, қўникма ва малакалар шакллانганлиги даражасини назорат қилиш ва таҳлил қилиб бориш;

б) талабалар билими, кўникма ва малакаларини баҳолашнинг асосий тамойиллари: Давлат таълим стандартларига асосланганлик, аниқлик, ҳаққонийлик, ишончлилик ва қулай шаклда баҳолашни таъминлаш;

в) фанларнинг талабалар томонидан тизимли тарзда ва белгиланган муддатларда ўзлаштирилишини ташкил этиш ва таҳлил қилиш;

г) талабаларда мустақил ишлаш кўникмаларини ривожлантириш, ахборот ресурслари манбаларидан самарали фойдаланишни ташкил этиш;

д) талабалар билимини ҳолис ва адолатли баҳолаш ҳамда унинг натижаларини ўз вақтида маълум қилиш;

е) талабаларнинг фанлар бўйича комплекс ҳамда узлуксиз тайёргарлигини таъминлаш;

ё) ўқув жараёнининг ташкилий ишларини компьютерлаштиришга шароит яратиш, замонавий ахборот технологияларини янада кенг жорий қилиш.

3. Фанлар бўйича талабалар билимини ҳар бир семестрда баҳолаб бориш рейтинг назорати жадваллари ва баҳолаш мезонлари асосида амалга оширилади.

II. НАЗОРАТ ТУРЛАРИ ВА УЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШ ТАРТИБИ

4. Назорат турлари, уни ўтказиш тартиби ва мезонлари ТТА Фарғона филиали услубий ва илмий кенгашида муҳокама қилинади ва тасдиқланади ҳамда ҳар бир фаннинг ишчи ўқув дастурида машғулот турлари билан биргаликда кўрсатилади;

5. Рейтинг назорати жадваллари, назорат тури, шакли, сони ҳамда ҳар бир назоратга ажратилган максимал балл, шунингдек жорий ва оралик назоратларнинг саралаш баллари ҳақидаги маълумотлар фан бўйича биринчи машғулотда талабаларга эълон қилинади;

6. Талабаларнинг билим савияси ва ўзлаштириш даражасининг Давлат таълим стандартларига мувофиқлигини таъминлаш учун қуйидаги назорат турларини ўтказиш назарда тутилди;

Жорий назорат (ЖН) - талабанинг фан мавзулари бўйича билим ва амалийкўникма даражасини аниқлаш ва баҳолаш усули. Жорий назорат фаннинг хусусиятидан келиб чиққан ҳолда, амалий машғулотларда оғзаки сўров, тест ўтказиш, суҳбат, назорат иши, уй вазифаларини текшириш ва клиник машғулотларда талабанинг аниқ вазият бўйича фикрлаши,

беморларни парваришlashда бажара олиши лозим булган куникмаларни ўзлаштиришига кура баҳоланадилар.

Талабанинг мустақил иши (ТМИ) – ўқув режасида муайян фанни ўзлаштириш учун белгиланган ўқув ишларининг ажралмас қисми бўлиб, Жорий назорат топшириқларини бажариш сифати ва даражасига қараб, Рейтинг тизими талаблари асосида, баҳоланади. Талабалар мустақил ишининг бали Жорий назорат балларига қўшиб ҳисобланади.

Оралик назорат – семестр давомида ўқув дастурининг тегишли (фаннинг бир неча мавзуларини ўз ичига олган) бўлими тугаллангандан кейин талабанинг билим ва амалий кўникма даражасини аниқлаш ва баҳолаш усули. Оралик назоратнинг сони (бир семестрда икки мартадан кўп ўтказилмаслиги лозим) ва шакли (ёзма, оғзаки, тест, ОСКИ ёки уларнинг комбинацияларида) ўқув фанига ажратилган умумий соатлар ҳажмидан келиб чиққан ҳолда белгиланади.

Семестр давомида ҳафтасига 4 академик соат (72 соат)дан кам бўлган фанлар бўйича оралик назорат тури ўтказилмайди.

Оралик назоратга Жорий назоратлар ва талабанинг мустақил ишидан қарзи бўлмаган (ҳар бир ЖН+ТМИдан 55% дан кўп балл тўплаган) талабалар қўйилади. ОН бўйича белгиланган максимал рейтинг балининг 55 % дан кам балл тўплаган талаба ЯН га қўйилмайди.

Якуний назорат (ЯН) - семестр якунида муайян фан бўйича назарий билим ва амалий кўникмаларни талабалар томонидан ўзлаштириш даражасини баҳолаш усули. Якуний назорат асосан таянч тушунча ва ибораларга асосланган “Ёзма иш” ёки ОСИ (амалий кўникмаларни баҳолаш) – ОСКИ (объектив тизимлаштирилган клини имтиҳон) ва тест шаклида ўтказилади.

Эслатма: Ҳар бир ўтказилган Жорий назорат, Оралик назорат ва Якуний назорат натижаларини мазкур назорат тури ўтказилган қуни электрон журналга киритилиши шарт. Бунинг бажарилишини таъминлаш учун фан ўқитувчиси, назорат қилиш учун эса кафедра мудири шахсан жавобгар эканлиги белгилаб қўйилсин.

Таълим йўналиши ва мутахассисликлари айрим фанларининг хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда филиал Илмий кенгаши қарори асосида кўпи билан 40% фанлардан якуний назоратлар бошқа шаклларда (оғзаки, тест ва ҳоказо) ўтказилиши мумкин. (ЖН+ТМИ) ва ОНларнинг ҳар биридан саралаш балини (55% юқори балл) тўплаган талабага ЯН да иштирок этиш ҳуқуқи берилади. ЯН икки босқичда: амалий кўникмаларни баҳолаш ва тест усули комбинациясида ўтказилган ҳолда талабанинг умумий баҳоси ОСКИ ёки ОСИ (амалий кўникмаларни баҳолаш) дан олган баллари ҳамда тестдан

олган балларини қўшиб, иккига бўлиш йўли билан аниқланади (50/50). Агар ОСКИ ёки ОСИ натижалари бўйича талаба коникарсиз баҳо олса, у тест назоратига киритилмайди, агар талаба тест назоратидан 55% кам балл тўпласа, ўша фандан коникарсиз баҳоланади.

Фанлар бўйича ҳар бир семестрда ўтказиладиган назорат турлари МУҲ да муҳокама қилиниб, Илмий кенгашда тасдиқланади ва Ишчи ўқув режасида белгилаб қўйилади.

6.1 Назорат турларини ўтказишда ҳолисликни таъминлаш мақсадида талабалар тўғрисидаги маълумотлар уларнинг назорат ишларига Филиал томонидан идентификация коди бериш орқали шифрланиши мумкин.

7. Оралик назоратни ўтказиш жараёни деканат ва кафедра мудири томонидан тузилган комиссия иштирокида даврий равишда ўрганиб борилади ва уни ўтказиш тартиблари бузилган ҳолларда оралик назорат натижалари бекор қилинади. Бундай ҳолларда оралик назорат қайта ўтказилади.

8. Якуний назоратни ўтказиш жараёнида филиал директори буйруғи билан ички назорат ва мониторинг бўлими ёки Ўқув бўлими томонидан тузилган комиссия иштирокида якуний назоратни ўтказиш жараёни даврий равишда ўрганиб борилади ва уни ўтказиш тартиблари бузилган ҳолларда, якуний назорат натижалари бекор қилинади ва якуний назорат қайта ўтказилади.

9. Ўқув йили тугатанидан кейин рейтинг назорати натижаларига кўра талабаларни кейинги курсга ўтказиш тўғрисида белгиланган тартибда қарор қабул қилинади ва директорнинг буйруғи билан ўзлаштирувчи талабалар курсдан-курсга ўтказилади.

III. БАҲОЛАШ ТАРТИБИ ВА МЕЗОНЛАРИ

10. Талабаларнинг билим савияси, кўникма ва малакаларини назорат қилишнинг рейтинг тизими асосида талабанинг ҳар бир фан бўйича ўзлаштириш даражаси баллар орқали ифодаланади.

11. Тошкент тиббиёт академияси Фарғона филиалида ҳар бир фан бўйича талабанинг семестр давомидаги ўзлаштириш кўрсаткичи 100 баллик тизимда бутун сонлар билан баҳоланади.

Рейтинг баллари (100 балл) назорат турлари бўйича қуйидагича тақсимланади:

а) Жорий назорат+ТМИ – 50 балл (50%);

б) Оралик назорат – 20 балл (20%);

в) Якуний назорат – 30 балл (30%)

ЖАМИ: 100 балл (100%)

Юқоридагилардан келиб чиқиб, Жорий назорат + ТМИ, Оралик назорат ва Якуний назорат баллари қуйидаги коэффициентларга кўпайтирилиб (0,5; 0,2; 0,3;) аниқланади.

Талабанинг фан бўйича умумий бали назорат турлари бўйича тақсимланган балларни қуйидаги коэффициентларга кўпайтириш ва кўпайтмаларни қўшиш орқали аниқланади (1-жадвал).

1-жадвал:

№	Баҳолаш тури	Максимал балл	Коэффициент	Саралаш бали
1	Жорий баҳолаш	45+5 (50%)	0,5	27,5
2	Оралик баҳолаш	20 (20%)	0,2	11,0
3	Якуний баҳолаш	30 (30%)	0,3	16,5
	ЖАМИ	100 (100%)	1	55,0

12. Талабанинг рейтинг дафтарчаси ёки талабалар рейтингини ҳисобга олиш электрон тизимига алоҳида қайд қилинадиган малакавий амалиёт, фан (фанлараро) Якуний давлат аттестацияси бўйича ўзлаштириш даражаси – 100 баллик тизимда баҳоланади.

13. Талабанинг фан бўйича ўзлаштириш кўрсаткичини назорат қилишда қуйидаги намунавий мезонлар (кейинги ўринларда “намунавий мезонлар” деб юритилади) тавсия этилади:

№	Ўзлаштириш (%) ва балларда	Баҳо	Талабанинг билим даражаси
1.	86-100	Аъло «5»	Хулоса ва қарор қабул қилиш Ижодий фикрлай олиш Мустақил мушоҳада юритиш Амалда қўллай олиш Моҳиятини тушуниш Билиш, айтиб бериш Тасаввурга эга бўлиш
2.	71-85	Яхши «4»	Мустақил мушоҳада юритиш Амалда қўллай олиш Моҳиятини тушуниш

			билиш, айтиб бериш Тасаввурга эга бўлиш
3.	55-70	коникарли «3»	Мохиятини тушуниш Билиш, айтиб бериш Тасаввурга эга бўлиш
4.	0- 54	коникарсиз «2»	Аник тасаввурга эга эмаслик билмаслик

14. Намунавий мезонлар асосида (2-жадвал) муайян фандан Жорий ва Оралик назоратлар бўйича аник мезонлар кафедрада ишлаб чиқилиб кафедра мудири томонидан тасдикланади ва талабаларга эълон қилинади.

15. Намунавий мезонларга мувофиқ мутахассислик фанлари бўйича ЯН учун баҳолаш мезонлари Тошкент тиббиёт академияси мутахассислик кафедраларида ишлаб чиқилади ва тасдикланиб, қўллаш учун филиалларга юборилади.

16. Талабаларнинг ўқув фани бўйича Мустақил иши (ТМИ) Жорий ва Оралик назоратлар жараёнида тегишли топшириклари бажариши ва уларга ажратилган баллардан келиб чиққан ҳолда баҳоланади.

17. Талабанинг фан бўйича бир семестрдаги рейтинги қўйидагича аникланади:

$$R_f = \frac{V \cdot O'}{100}$$

Бу ерда:

V – семестрда фанга ажратилган умумий ўқув юкласи (соатларда);

O' – фан бўйича ўзлаштириш даражаси (балларда).

18. Фан бўйича бир семестрдаги Жорий, Оралик ва Якуний назоратларнинг ҳар бирига ажратилган баллнинг 55 фоизи саралаш бали этиб белгиланади ва бунда Жорий ва Оралик назоратларнинг ҳар биридан саралаш бали – 55% ва ундан ортиқ балл тўплаган талабалар ушбу фан бўйича якуний назоратга киригилади.

19. Талабанинг семестр давомида фан бўйича тўплаган умумий бали ҳар бир назорат (ЖБ+ТМИ, ОБ ва ЯБ) туридан белгиланган коидаларга мувофиқ (3-жадвал) тўплаган баллари йиғиндисига тенг.

ЖН+ТМИ (7 та дарс) κ=0,45+0,05	ЖН+ТМИ ўртача қиймати - (65+73+78+80+67+70+75)/7=72,6 Бали - 72,6 x 0,5=36,3 балл
ОН κ=0,2	Тест-+ОСКИ (80+78)/2 = 79x0,2=15,8 балл
ЯН κ=0,3	ОСКИ+Тест (85+83)/2 = 84x0,3 = 25,2 балл
Фандан тўпланган балл	(ЖБ+ТМИ)+ОБ+ЯБ=36,3+15,8+25,2 = 77,3 балл

IV. НАЗОРАТ ТУРЛАРИНИ ЎТКАЗИШ МУДДАТИ

20. Оралик ва якуний баҳолаш турлари календар-тематик режага мувофиқ деканат томонидан тузилган рейтинг назорат жадваллари асосида ўтказилади. Якуний назорат семестрнинг охириги 2 ҳафтаси мобайнида ўтказилади.

21. Жорий ва оралик назоратларда саралаш баллидан кам балл тўплаган ва узрли сабабларга қўра ва назоратларга катнаша олмаган талабалар қайта топшириш учун, мазкур назоратнинг навбатдаги туригача, сўнгги Жорий ва Оралик назоратлар учун эса Якуний назоратгача бўлган муддат берилади.

22. Узрли сабаблар туфайли дарсларга катнаша олмаган ва шу сабабли белгиланган муддатларда Жорий, Оралик ва Якуний назоратларни топшира олмаган талабаларга факультет декани фармойиши асосида навбатдаги семестр ўқув жараёни бошлаганидан сўнг бир ой муддатда қайта топширишга рухсат берилади.

V. ТАЛАБАЛАР ТОМОНИДАН ЎЗЛАШТИРИЛМАГАН ВА ҚОЛДИРИЛГАН МАШҒУЛОТЛАРНИ ҚАЙТА ТОПШИРИШ ТАРТИБИ

Талабалар томонидан қолдирилган ва ўзлаштирилмаган машғулоти қайта топшириш қўйидаги тартибда амалга оширилади:

а) Талабалар томонидан қолдирилган ва ўзлаштирилмаган 1 ва 2 маъруза ёки амалий машғулоти қайта топшириш семестр давомида деканат рухсатномасиз амалга оширилиши мумкин.

б) 3 ва ундан ортиқ маъруза ва амалий машғулоти қолдирган ёки ўзлаштирилмаган талабалар кейинги дарсларга деканат рухсатномаси асосида қўйилади.

в) 3 ва ундан ортик колдирилган маъруза ва амалий машғулотларни қайта топшириш деканат Мувофиклаштирувчи (Координацион) Кенгашининг рухсатномаси асосан кафедрада ташкил этилган хайъат томонидан қабул қилинади.

г) Қайта топшириш учун Мувофиклаштирувчи (Координацион) Кенгашининг томонидан тақдим этилган рухсатномада машғулотларни сабабсиз ёки сабабли колдирилганлиги ҳамда қайта топшириш муддати аниқ кўрсатилиши лозим.

д) Сабабсиз колдирилган амалий машғулотлар – ЖН, Он ва сабабсиз колдирилган ЯН қайта топшириш бали 0,8 коэффициентга кўпайтирилиб аниқланади.

ж) Ўзлаштирилмаган ва сабабли колдирилган амалий машғулотларни қайта топширишда коэффициент қўлланилмайди.

з) Узурли сабабларга кўра битта цикл дарс машғулотларига катнаша олмаган талабаларга ҳамда Цикл машғулотларининг назоратларини ўз вақтида ўзиништира олмаган талабаларга мазкур Цикл машғулотлари назоратларини (ЖН, ТМИ ва ОН) топшириш учун деканат Координацион кенгаши рухсати билан, навбатдаги фаннинг Цикл машғулотлари даврида 10 кун муҳлат берилади. Якуний назоратни топшириш учун эса узурли сабабли талабаларга сессия ичида (1 марта имконият берилади), ушбу берилган имконият муддатида ҳам топшира олмаган талабалар ҳамда узурли сабабли ЯНини топшира олмаган талабаларга (академик қарздор сифатида) семестр тугагандан сўнг 1 ой муддат ичида топширишга рухсат берилади. Сессия ичида ўзлаштира олмаган назоратларини топшира олмаган лекин интизомли, жамоат ишларида фаол қатнашган талабаларга "Қамолот" ЁИХ фаолларининг йиғилиши ҳамда талабалар қасаба уюшмаси қўмитаси қарорлари билан семестр тугагунга қадар яна бир марта рухсат берилиши мумкин.

ет) талабалар томонидан колдирилган маъруза ва амалий машғулотлар туғрисида қайта топширилиши лозим, ақс ҳолда ушбу талабалар ОН ва ЯНларга кўпайтилмайди.

и) ОН ҳамда ЯНнинг ОСКИ ёки амалий кўникмалар қисмини топшириш олмаган талабага биринчи марта деканат рухсатномасисиз, иккинчи марта деканат рухсатнома билан ва учинчи марта Мувофиклаштирувчи (Координацион) Кенгашининг қарори асосида қайта топшириш учун рухсат берилади ва қайта топшириш бали коэффициентсиз белгиланади.

к) Талабанинг колдирган машғулотларини қайта топширганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар кафедрада бир йил давомида сақланади.

л) Иккинчи Цикл машғулотларида сабабли (қасаллиги туфайли) катнаша олмаган талабалар академик таътилга чиқарилади.

Деканатда:

- Ҳар ойда мунтазам равишда деканат Координацион Кенгаши ўтказилиб борилади ва давомати ёмон, ўзлаштирилиши паст талабалар аниқланиб, дарс колдириш сабаблари ўрганилади.

- Кафедраларга дарсга катнаш, қайта топшириш учун деканат томонидан бериладиган рухсатномада талабанинг машғулотларни сабабсиз ёки сабабли колдирилганлиги ҳамда қайта топшириш муддати аниқ кўрсатилиши лозим.

- Таътил ёки байрам муносабати билан берилган дам олишдан сўнг биринчи кун сабабсиз дарс колдирган талабаларга колдирилган машғулотни қайта топшириш учун рухсат семестр тугаганидан сўнг берилади.

- Семестр якунидан фан бўйича Жорий, Оралик ёки Якуний назорат турларини ҳар бири бўйича саралаш балидан (55%) кам балл тўплаган талаба академик қарздор ҳисобланади.

- Академик қарздор талабаларга семестр тугаганидан кейин (баҳорги семестр натижалари бўйича эса, талабаларнинг ёзги таътили ҳамда профессор-ўқитувчиларнинг меҳнат таътилидан сўнг) қайта ўзлаштириш учун бир ой муддат берилади. Шу муддат давомида фанни ўзлаштира олмаган талаба факультет декани тавсиясига кўра белгиланган тартибда директорининг буйруғи билан талабалар сафидан четлаштирилади.

- Деканатда фаилар бўйича жорий, оралик ва якуний назорат кўрсаткичлари натижаларининг доимий мониторинги олиб борилади ва ОТМнинг Мувофиклаштирувчи (Координацион) Кенгашига тақдим этилади.

23. Талаба назорат натижаларидан норози бўлса, фан бўйича назорат тури натижалари эълон қилинган вақтдан бошлаб бир кун мобайнида факультет деканига ариза билан мурожаат этиши мумкин. Бундай ҳолда факультет деканининг тақдими асосига кўра директор буйруғи билан 3 (уч) аъзодан кам бўлмаган таркибда апелляция комиссияси ташкил этилади. Апелляция комиссияси талабаларнинг аризаларини кўриб чиқиб, шу куннинг ўзида ҳулосасини билидилади.

Изоҳ: Апелляция комиссияси талабани назоратлардан олган балларини ва талаба норози бўлган назоратдан олган баҳосини кўриб чиқади, зарур бўлса кафедра мудири ва фан ўқитувчиси иштирокида талаба қайта назоратдан ўтказилиши мумкин. Бундай ҳолда талабага Апелляция комиссияси томонидан ўтказилган назорат баҳоси қўйилади.

24. Баҳолашларнинг ўрнатилган талаблар асосида белгиланган муддатларда ўтказилиши ҳамда расмийлаштирилиши кафедра муdiri ва факультет декани томонидан назорат қилинади.

Изоҳ: Якуний назоратдан академиклардор бўлган талабалар деканат ёки Ўқув бўлими ҳамда Ички назорат инспекцияси вакили иштирокида комиссияга топширади.

VI. РЕЙТИНГ НАТИЖАЛАРИНИ ҚАЙД ҚИЛИШ ВА ТАҲЛИЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

25. Талабаларнинг фан бўйича назорат турларида тўплаган баллари семестр якунида рейтинг дафтарчаси (4-жадвал) ва рейтинг кайдномасига (5-жадвал) бутун сонлар билан қайд қилинади. Рейтинг дафтарчаси ёки талабалар рейтингини ҳисобга олиш электрон тизимининг “семестр учун умумий соат” устунига, мазкур семестр учун фанга ажратилган умумий Ўқув юклама (аудитория+мустакил таълим) соатлари;

“Ўзлаштириш кўрсаткичи” устунига талабанинг 100 баллик тизимдаги тўплаган бали;

“рейтинг” устунига мазкур индент 17 бандига асосан ҳисобланган рейтинг кўрсаткичи қилинади (4-жадвал).

Талабанинг саралани бандидан паст бўлган ўзлаштириш баллари рейтинг дафтарчасига қайд этилмайди.

Рейтинг назорати бўйича якуний ўзлаштириш кайдномасини тўғри тўлдирини ва ўз вақтида топширилишини таъминлаш масъулияти кафедра муdiri зиммасига юклатилади.

26. Ҳар бир фан бўйича ўтказиладиган назорат турларининг натижалари профессор-ўқитувчининг журналида ҳамда якуний ўзлаштириш кайдномасида қайд этилади ва шу куннинг ўзида (назорат тури “ёзма иш” шаклида ўтказилган бўлса 2 кун муддат ичнда) талабалар эътиборига етказилади.

Талабалар рейтингини ҳисобга олиш электрон тизими жорий этилган тақдирда талабаларнинг фан бўйича рейтинг рейтинг кайдномаси ва ушбу тизимга қайд этилади

27. Якуний назорат натижаларига кўра фан ўқитувчиси, кафедра муdiri билан келишган ҳолда, талабаларнинг фан бўйича рейтингини аниқлайди ҳамда рейтинг дафтарча ва якуний ўзлаштириш кайдномасининг тегишли қисмини тўлдирди.

28. Талабанинг рейтинг унинг билими, кўникмаси ва малакалари даражасини белгилайди. Талабанинг семестр (курс) бўйича умумий рейтинг барча фанлардан тўплаган рейтинг баллари йиғиндиси билан аниқланади.

29. Талабалар умумий рейтинг хар бир семестр ва Ўқув йили якунлангандан сўнг эълон қилинади.

Деканат ва кафедралар томонидан белгиланган тартибда фан бўйича талабанинг ЖН+ТМИ, ОН ва ЯН турларида кўрсатган рейтинг кўрсаткичларини мониторинги олиб борилади. “Ўзлаштириш натижалари кафедралар томонидан рейтинг назорати экранида мунтазам равишда ёритиб борилади ва белгиланган тартибда кайдномаларга киритилади. *Рейтинг назорати экранини ташиқил этиши ва уни белгиланган муддатларда тўлдирини вазифаси кафедра муdiri зиммасига, назорат қилини факультет декани зиммасига юклатилади.*

30. Диплом иловаси ёки академик маълумотномани деканат томонидан расмийлаштиришда фан бир неча семестр давом этган ва тугалланган бўлса, талабанинг барча семестрлардаги рейтинглар йиғиндиси, ўртача кўрсаткичи қилинади.

Талабага “имтиёни” диплом белгиланида унинг хар бир семестр якунидаги фанлар бўйича ўзлаштириш кўрсаткичлари ҳисобга олинади.

31. Талабаларнинг ЖН+ТМИ, ОН ва ЯН назорат турлари бўйича эришган натижалари кафедралар, деканат ва Ўқув методик бўлимида компьютер хотирасига киритилиб, мунтазам равишда таҳлил қилиб борилади.

32. Жорий, Оралик ва Якуний назоратлар натижалари кафедра йиғилишлари, факультет Координацион кенгаши ва филиал Илмий кенгашида мунтазам равишда муҳокама этиб борилади ва тегишли қарорлар қабул қилинади.

Фан бўйича рейтинг дафтарчасини расмийлаштириш тартиби
4-жадвал

№	Фаннинг номи	Семестр учун ажратилган умумий соат (аудитория + мустақил таълим)	Ўзлаштириш кўрсаткичи	Рейтинг	Фан ўқитувчисининг Ф.И.Ш.	Сана	Имзо
1	Патологик анатомия	134	79	106			
2	Ички касалликлар ва ХДЖ	170	68	116			
3	Умумий гигиена экология билан	65	76	49			

Изох: Рейтинг устунини кўрсаткичи мазкур Низомни 17 банди асосида ҳисоблаб топилади.

VI. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

33. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази баҳолари ва рейтинг балларининг ҳолислигини текширишни ташкил этади ва назорат қилади.

34. Ушбу Нишомда белгиланган масалалар бўйича келиб чиққан низолар конун ҳужжатлари асосида ҳал қилинади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ФАРҒОНА ФИЛИАЛИ
РЕЙТИНГ ҚАЙДНОМАСИ № _____

5-жадвал

Фан _____ факультети _____ курс _____ семестр _____ гуруҳи
Маърузачи _____ Амалиёт ўқитувчиси _____
Семестрдаги фанга ажратилган умумий соатлар _____ ЯН ўтказиладиган сана _____

№	Талабанинг Ф.И.Ш.	Рейтинг дафтарчаси рақами	Семестрда тўплаган баллири			ЯН	Ўзлаштириш кўрсаткичи	Рейтинги	ЯН ўтказувчи ўқитувчи имзоси
			ΣЖН	ΣОН	ΣЖН+ОН				
1									
2									
3									
4									
5									
6									
7									
8									
9									
10									
11									
12									
ЖН ва ОН ўтказган профессор-ўқитувчи имзоси									

Жами талабалар сони _____ шундан, (86-100) _____
(55-70) _____ (71-85) _____
(54 ва undan past) _____ келмаган _____
Факультет декани _____ Кафедра мудири _____